

**ХУҚУҚБУЗАРЛИКЛАР ПРОФИЛАКТИКАСИНИ АМАЛГА  
ОШИРУВЧИ ОРГАНЛАР ВА МУАССАСАЛАР**

*Эркинов Машираб Анвар ўғли*

*Ички Ишлар Вазирлиги Академияси*

*315-гурух курсанти*

*Аннотация:* Мақолада ҳуқуқбузарликлар профилактикасини амалга оширувчи органлар ва муассасалар фаолиятининг тушунчаси, асосий хусусиятлари, Ички ишлар органлари билан ҳамкорлик йўналишлари, ташкилий ҳуқуқий асослари ва уларни кўллаш амалиёти таҳлил килиниб, ҳуқуқбузарликлар профилактикасини бевосита амалга оширувчи органлар ва муассасалар фаолияти бўйича илғор хориж тажрибалари ҳамда ҳамкорлигини ривожлантириш йўналишлари ҳақида сўз борган.

*Калит сўзлар:* ҳуқуқбузарликлар профилактикаси, ҳуқуқбузарликлар профилактикасини амалга ошириш фаолияти, ҳуқуқбузарликлар профилактикасини амалга оширувчи органлар ва муассасалар, ҳамкорлик.

**Ҳуқуқбузарликлар профилактикасини амалга ошириш фаолияти бу** - қонун ва қонун ости актларга асосланган, вазифалар, йўналишлар ва фактлар билан келишилган, хизмат кўрсатилаётган ҳудудларда жамоат тартиби ва хавфсизлигини таъминлашда, ҳуқуқбузарликлар жумладан жиноятларнинг олдини олишда иштирок этувчи Ички ишлар органларининг куч ва воситаларидан самарали фойдаланиш тушунилади. Жамоат тартиби ва хавфсизлигини таъминлаш, жиноятларнинг олдини олиш, уларнинг сабаб ва шарт-шароитларини бартараф этишдаги фаолияти – ушбу фаолият билан шуғулланувчи субъектларнинг қонун ва қонун ости норматив-ҳуқуқий ҳужжатларига асосланиб, ўзаро келишилган ҳолда фаолиятнинг шакл ва усуллари, хизмат ваколатларидан самарали фойдаланиши бўлиб, бунда икки ёки ундан ортиқ хизмат, яъни бошқарувнинг бир-бирига бўйсунмаган

алоҳида иштирокчилари ўз ҳаракатларини ўзаро келишиб бажаришади.

Ҳуқуқбузарликлар профилактикасини ташкил қилишга Ички ишлар органлари тизимидаги меҳнат тақсимоти, таркибий бўлинмалар ўртасида вазифалар ва мажбуриятларнинг тақсимланиши каби масалаларни қамраб олган мақсаднинг вужудга келиши сифатида ҳам қараш мумкин. Ўзаро ҳамкорликнинг мақсади бошқарув тизими олдида турган умумий вазифаларини ҳал этишда куч ва воситаларнинг тўғри тақсимланишини аниқлатади.

Ички ишлар органлари тизимининг қуйи бўғини бўлган ҳуқуқ тартибот масканларида ҳуқуқбузарликлар профилактикасини асмалга ошириш, ҳуқуқбузарликларни барвақт олдини олиш, жиноятчиликка қарши курашиш ҳуқуқ тартибот маскани негизида амалга ошириладиган фаолиятни иккига ажратиш мумкин:

а) Ички ишлар органлари таркибий тизимига кирувчи тармоқ хизматлари ходимларининг ўзаро ҳамкорлигини қамраб олувчи - **Ички ҳамкорлик**;

б) Ички ишлар органлари соҳавий хизматлари ходимлари, хусусан профилактика инспекторининг бошқа ҳуқуқни муҳофаза қилиш идоралари, давлат ва жамоат ташкилотлари, корхона, муассаса, ташкилотлар ва аҳоли билан кэнг қамровли алоқаларни ўз ичига олган - **Ташқи ҳамкорлик**.

Жумладан, Ички ишлар органлари ҳам ўз зиммасига юклатилган асосий вазифаларни амалга оширишда бошқа давлат органлари, муассасалари ва жамоатчилик тузилмалари билан ўзаро ҳамкорлик қилади. Ички ишлар органларининг фуқароларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини, жисмоний ва юридик шахсларнинг мулкани, конституциявий тузумни ҳимоя қилишдан, шахс, жамият ва давлатнинг хавфсизлигини таъминлашдан, шунингдек ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш ва профилактикасини амалга оширишда уларнинг энг асосий ҳамкорлик субъектлари бевосита ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларидир.

Ички ишлар органлари ҳуқуқбузарликлар профилактикасини

бевосита амалга оширишда 2014-йил 14-май куни қабул қилинган Ўзбекистон Республикасининг “Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси тўғрисида”ги қонуннинг 9-моддасида кўрсатилган қуйидаги давлат органлари билан ҳамкорликни амалга оширади:

- Ички ишлар органлари;
- Прокуратура органлари;
- Давлат хавфсизлик хизмати органлари;
- Ўзбекистон Республикаси Президент давлат хавфсизлик хизмати органлари;
- Ўзбекистон Республикаси Миллий гвардияси органлари;
- Адлия органлари;
- Давлат божхона хизмати органлари;
- Давлат солиқ хизмати органлари;
- Бандлик ва меҳнат муносабатлари органлари;
- Таълимни давлат томонидан бошқариш органлари ва Таълим муассасалари;
- Соғлиқни сақлаш тизимини давлат томонидан бошқариш органлари ва соғлиқни сақлаш муассасалари;
- Экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш қўмитаси органлари -Ўзбекистон Республикаси Коррупцияга қарши курашиш агентлиги; -Ўзбекистон Республикаси Ёшлар ишлари агентлиги ва унинг худудий бўлинмалари.

Ички ишлар органларининг ҳуқуқбузарликлар профилактикасини бевосита амалга оширишнинг асосий белгиларидан бири уларнинг ҳуқуқий тартибга солинганлигидир. Ички ишлар органларининг ҳуқуқбузарликлар профилактикасини бевосита амалга ошириши ҳуқуқий тартибга солинганлиги уни ташкил этиш тартибини мустаҳкамлайди, ушбу фаолиятни амалга оширувчи ҳар бир субъектнинг масъулиятини ошириши билан биргаликда уларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятларини ҳуқуқий кафолатлайди. Шунинг учун, биз Ички ишлар органларининг

хуқуқбузарликлар профилактикасини бевосита амалга ошириши тартибга солувчи ҳуқуқий нормалар ва уларни қўллаш амалиётини илмий-назарий таҳлил қилиб, мазкур субъектлар ўртасидаги ҳуқуқий асосларининг мазмун-моҳиятини тўлиқ англаб олиш учун уларни тегишли гуруҳларга ажратиб таҳлил қилиб олишимиз лозим бўлади;

- а) Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ва қонунлари;
- б) Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонлари ва қарорлари;
- в) Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари;
- г) Ички ишлар вазирлигининг идоравий, шунингдек бошқа ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари билан биргаликда қабул қилган идоралараро норматив-ҳуқуқий ҳужжатлари;
- е) маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг ҳуқуқбузарликлар профилактикасига оид қарорлари.

2016-йил 16-сентябрь куни қабул қилинган Ўзбекистон Республикасининг “Ички ишлар органлари тўғрисида”ги қонунининг 11-моддасида ҳам ўз зиммасига юклатилган асосий вазифаларни амалга оширишда бошқа давлат органлари, муассасалари ва жамоатчилик тузилмалари билан ўзаро ҳамкорлиги белгилаб берилди, жумладан: Ички ишлар органлари ўз зиммасига юклатилган вазифаларни бажариш мақсадида, қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда давлат органлари, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ва бошқа ташкилотлар билан ҳамкорлик қилади ҳамда аниқланган жиноятлар ва бошқа ҳуқуқбузарликларга оид мавжуд материаллар тўғрисидаги ахборотни алмашишни, шу жумладан электрон шаклда алмашишни амалга оширади

Давлат органлари, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ва бошқа ташкилотлар ўз ваколатлари доирасида фуқароларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш, жамоат тартибини сақлаш, жамоат хавфсизлигини таъминлаш, жиноятлар ва маъмурий ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш, уларни аниқлаш, уларга чек қўйиш,

уларни фoш этиш ҳамда жиноят ишларини тергов қилишда, жиноятчиларни қидиришда, бедарак йўқолган фуқароларнинг турган жойини аниқлашда, шунингдек ҳуқуқбузарликлар профилактикасида Ички ишлар органларига кўмаклашиши шарт.

#### **АДАБИЁТЛАР:**

Афанасьев В.А. Организация работы участкового инспектора милиции. – М., 1990. – С. 38. Пулатов Ю.С., Исмаилов И., Қурбонов А. Ички ишлар органларида бошқарув асослари: Дарслик. – Т.: ЎЗР ИИВ Академияси, 2005. – Б. 104. Зарипов З.С. Профилактическая функция следственных подразделений органов внутренних дел. – Т., 1980. – С. 57. Афанасьев В.А. Организация работы участкового инспектора милиции М. 1990., С.-38. Каранг. Ж.С. Мухторов. «Ички ишлар идоралари профилактика хизматлари томонидан жиноятларнинг олдини олишни таъминлаш» номли Юрид. фан. номзоди. Дис. Т, 2018. Изох: Ўзбекистон Республикасининг “Давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолиятининг очиқлиги тўғрисида”ги қонуни. <https://lex.uz/docs/2381133> (16.03.2022 йилда мурожаат қилинган.) Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами. – 2014. – №19. – 209-м. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий мажлисга мурожаатномаси 22-12-2017 йил //

<https://www.xabar.uz/siyosat/prezident-shavkat-mirziyoyevningoliy-majlisga-murojaatnomasi> (29.09.2021 йилда мурожаат қилинган.)